

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Ш.Каримов, О.Ахмаджонова Бессель оператори қатнашган иккинчи тартибли оддий дифференциал тенгламаларнинг фундаментал ечимлари ҳақида	6
Н.Икрамова, Э.Турсунова Тўртинчи тартибли тўла дифференциалли оддий дифференциал тенгламаларнинг бир синфи ҳақида .I.	12
М.Жалилов, Г.Каюмова Капута оператори қатнашган тўртинчи тартибли аралаш типдаги тенглама учун бир нолокал масала тўғрисида.....	18
	КИМЁ

А.Ибрагимов, В.Хўжаев, У.Умархонова, Д.Тожибоев, М.Исақов Vigna sinensis, cicer orientinum, phaselousayreus, arachhis hypogaea дуккакли ўсимликларни кимёвий таркибига кўра синфлаш масалалари	24
М.Қодирхонов, Т.Сайпиев, С.Рашидова NA-карбоксиметилцеллюлоза эритмасининг юқори ҳарорат ва юқори тузли шароитдаги реологияси	30
	БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

П.Турдалиева, О.Ахмедова Фарғона водийсининг доривор ўсимликлари – макро - ва микроэлементлар манбаи	34
М.Шерматов, С.Умаров Фарғона водийсида анжир парвонаси (Lepidoptera choreutidae) нинг тарқалиши ва ривожланиши.....	38

М.Адхамов Рақамли иқтисодиёт шароитида таълим: муаммолар ва самарадорлик	43
	ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Г.Закирова Ўзбекистон матбуоти ва унинг интернет-сайтларида хотин-қизларга нисбатан зўравонлик мавзусига ёндашув.....	46
А.Қамбаров, О.Махмудов XIX аср охири – XX аср бошларида жадид ҳурфикрлигида эркинлик ғояси	52
Ш.Аббосова Глобаллашув жараёнлари ва миссионерлик ҳаракати	57
М.Ғоипов Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари	62
Ж.Боқиев Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида вояга етмаганларнинг жавобгарлиги.....	69
	ТАРИХ

И.Кузикулов Фарғонада пахта навларини янгилаш билан боғлиқ масалалар ҳақида (XIX аср охири – XX аср бошлари)	73
Д.Абдуллаев Хайрия ва ҳомийлик фаолияти: Ўзбекистон ва жаҳон мамлакатлари ҳамкорлиги мисолида	77

УДК: 361.7+.009.1

ХАЙРИЯ ВА ҲОМИЙЛИК ФАОЛИЯТИ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ МИСОЛИДА

БЛАГОТВОРИТЕЛЬНАЯ И СПОНСОРСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ НА ПРИМЕРЕ СОТРУДНИЧЕСТВА УЗБЕКИСТАНА С РЯДОМ СТРАН МИРА

CHARITY AND SPONSORSHIP ACTIVITIES ON THE EXAMPLE OF COOPERATION BETWEEN UZBEKISTAN AND THE WORLD

Д.Абдуллаев

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон ва халқаро ташкилотларнинг ҳомийлик фаолияти, хайрия ишларидаги ўзаро ҳамкорлиги ёритилган. Хайрия ва ҳомийликнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари таҳлил қилинган. Ўзбекистоннинг жаҳон хайрия индексидаги ўрни ва роли аниқланган.

Аннотация

В статье освещается сотрудничество Узбекистана и международных организаций в области благотворительности и спонсорства. Проанализирована нормативно-правовая база благотворительности и спонсорства. Определена роль и место Узбекистана в мировом индексе благотворительности.

Annotation

The article describes the cooperation of Uzbekistan and international organizations in the field of sponsorship and donations. The regulatory framework of charity and sponsorship was analyzed. The role and place of Uzbekistan in world charitable indicators has been determined.

Таянч сўз ва иборалар: ижтимоий ҳимоя, хайрия, ҳомийлик, халқаро ташкилот, донор жамғармаси, SAF, “Чегара билмас шифокорлар”, нодавлат, нотижорат ташкилотлар, жаҳон хайрия индекси.

Ключевые слова и выражения: социальная защита, благотворительность, спонсорство, международная организация, донорский фонд, SAF, негосударственные, некоммерческие организации, мировой индекс благотворительности.

Keywords and expressions: social protection, charity, sponsorship, international organization, donor fund, SAF, non-profit organizations, world charity indicators.

Ўзбекистон Республикасида демократик давлат ва кучли ижтимоий ҳимояга [1,60-61] асосланган фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг пировард мақсади инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланганлигидан далолат беради. Шубҳасиз, “...биз амалга ошираётган иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришларнинг самараси, биринчи навбатда, аҳолининг моддий аҳволи ва фаровонлигини, унинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қай даражада таъсир кўрсатаётгани билан ўлчанади” [2,148]. Ижтимоий ҳимоя тизими таркибидаги умумбашарий қадриятлар, яъни хайрия ва ҳомийлик фаолияти минг йиллар давомида Ўзбекистон ҳамда жаҳон мамлакатларида янада ривожланиб, ўз мазмун-моҳияти, аҳамияти, ўрни ва роли тобора ошиб бормоқда.

Дунё миқёсида хайрия ва ҳомийликка

оид ҳуқуқий - меъёрий асослар ҳам яратиб келинмоқда. Ҳозирда жаҳонда мавжуд халқаро хайрия ташкилотларини икки гуруҳга, яъни донор жамғармаларини тўплайдиган ва тарқатадиган ҳамда бевосита хайрия тадбирларини амалга оширувчи ташкилотларга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга мансуб ташкилотнинг мисоли сифатида САФ (Charity Aid Foundation, Хайрия ёрдам жамғармаси)ни келтириш мумкин. Ташкилот 1974 йилдан буён мустақил фаолият юритиб келади. САФнинг асосий мақсади нотижорат ташкилотлар сонини кўпайтириш ва дунёда хайрия фаолиятини ривожлантиришдир. САФнинг асосий вазифаси хайрия жамғармаларига пул маблағларини жалб қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, шунингдек, хайрия дастурларини бошқаришда ёрдам бериш ҳисобланади. Бугунги кунда САФ таркибини 250 мингтадан ортиқ ҳомий ва тўрт мингтадан ортиқ хайрия ташкилоти ташкил этади. 1992 йилдан бошлаб жамғарманинг филиаллари Россия, Бельгия, АҚШ, Жанубий Африка,

Д.Абдуллаев – Низомий номидаги ТДПУ тарих ва уни ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Ҳиндистон, Австралия, Болгария, Гана давлатларида очилган [3].

Бевосита хайрияни амалга оширувчи иккинчи гуруҳга “Чегара билмас шифокорлар”, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Жамияти каби ташкилотлар киради. “Чегара билмас шифокорлар” (фр. Médecins sans frontières, MSF) 70 тадан ортиқ мамлакатда ҳарбий можаро, очлик, эпидемия, мажбурий миграция ва табиий офатлардан зарар кўрганларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатувчи халқаро, мустақил, нотижорат ташкилотдир. Ташкилот 1967-1970 йилларда Нигериядаги қуролли можаро қурбонларига ёрдам бериш мақсадида 1971 йилда Парижда ташкил этилган. “Чегара билмас шифокорлар” жамияти табиий ва техноген фожаа туфайли жабрланганларга, шунингдек, қуролли можаролар қурбонларига ёрдам кўрсатадилар, инсонпарварлик тамойилини устувор, деб ҳисоблайдилар [4].

Хайрия фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлардан яна бири Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳисобланади. Жамғарма 1946 йил 11 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг қарори билан ташкил этилган. 1953 йилда ташкилот ўзининг фаолиятини кенгайтирди ва ваколатларини муддатсиз равишда узайтирди. Бугунги кунда ЮНИСЕФ дунёнинг 157 мамлакатига ўз дастурларини амалга оширмақда. Ташкилот ҳозирги кунда болаларни тарбиялаш учун оилани қўллаб-қувватлаш, етимларнинг сонини камайтириш, давлат мактаб-интернатларининг битирувчилари ва ўз оилаларида яшамайдиган ногирон болаларни қўллаб-қувватлаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жамиятдаги камситишларга қарши курашиш, шунингдек, уларнинг қобилияти, соғлиғи ёки миллатидан қатъий назар, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби йўналишларда иш олиб бормоқда.

Юқоридаги ташкилотлар билан бир қаторда Халқаро Қизил Хоч ёки Қизил Ярим ой жамияти фаолияти ҳозирги вақтда дунёдаги кўплаб мамлакатларда йўлга қўйилган. Ташкилот Швейцарияда вужудга келган бўлиб, Қизил Хоч тимсоли Швейцария байроғидаги рангларнинг ўзаро ўрин алмаштирилишидан олинган. Аслида Швейцариянинг байроғи қизил рангда бўлиб, ундаги хоч оқ рангдадир. Халқаро ҳаракат учта таркибий қисмдан иборат: Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси (ХҚХҚ), Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой миллий

жамиятлари (миллий жамиятлар), Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Халқаро Федерацияси [5,9]. Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси (ХҚХҚ)га 1863 йилда асос солинган. ХҚХҚнинг фаолияти ҳеч қандай давлат, давлатга қарашли, минтақавий ёки халқаро ташкилот томонидан назорат қилинмайди. Қўмита 50 тадан ортиқ мамлакатда ўз ваколатхоналарига эга бўлиб, уларнинг ҳар бири қуролли можароларда азият чекканларга тиббий ва моддий ёрдам бериш ҳамда ҳимоя қилиш каби хайрли ишлар билан шуғулланадилар. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда ХҚХҚнинг ваколатхонаси 1993 йилдан фаолият олиб боради. Умуман олганда, ушбу миллий жамиятлар фаолияти давомида кам таъминланган, бемор, муҳтож оилаларга ғамхўрлик қилади. Шунингдек, табиий офат натижасида бахтсизликка йўлиққан оилаларга шошилиш ёрдам кўрсатиш, қарияларнинг яшаш шароитини яхшилаш каби хайрли ишлар билан шуғулланадилар [6, 15-16].

Ўзбекистонда хайрия ва ҳомийлик борасида амалга оширилаётган ислохотларни ривожлантириш учун 2006 йил юртимизда “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” деб номлангани [7], хайрия ва ҳомийликка доир бир қатор ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар [8] таҳлили ҳам соҳага бўлган эътиборнинг мавжудлигини белгиловчи муҳим омиллардан биридир. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳомийлик тўғрисида”ги қонуни 2007 йил 2 майда қабул қилинган бўлиб, унинг мақсади ҳомийлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Республикада қонунларга биноан, хайрия ва ҳомийлик аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилинмаган ва кам таъминланган тоифаларининг моддий аҳолини яхшилаш, ишсизлар, ногиронлар ва бошқа шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш, оиланинг жамиятдаги нуфузи ва ролинини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, таълим, фан, маданият, санъат, маърифат соҳасидаги фаолиятга, аҳолини табиий офатлар, экология, террорчилик ҳаракатлари натижасида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш, атраф муҳитни муҳофаза қилиш каби давлат дастурига киритилган вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон жаҳон мамлакатлари билан ҳамкорликда халқаро талабларга мос “Болалар уйи” маҳалларини қуриш, тарбияланувчилар бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш мақсадида бир қатор хайрли ва ҳомийлик ишларини амалга ошириб

келмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида “СОС-Киндердорф” (Австрия) ҳомийлигида болалар маҳаллалари 1998 йил апрелдан фаолиятини бошлаган. “Ўзбекистон болалар маҳалласи”ни қуриш учун 5 гектар ер ажратилиб, 12 млн. доллар ҳисобида сармоя киритилди [9]. “Ўздавлат цирк” Республика бирлашмаси биносида 2004 йил 23 июлдан 26 сентябргача “Меҳр ва мурувват йили”га бағишлаб Россиянинг “Ҳиндистон филлари” ва “Африка шоу цирк” хайрия цирк томошалари намойиш этилди. Ушбу тадбирларда Мирободдаги “Меҳрибонлик уйи” дан 250, Шайхонтохур тумани “Соғлом авлод учун” ташкилотидан 450, Республика реалибитация марказидан 1200, Чилонзор тумани “Меҳрибонлик уйи”дан 450, “Сен ёлғиз эмассан” Республика Болалар хайрия жамғармасидан 500, “Сила души” ЭКО клубидан 55 нафар бола иштирок этди [10]. Халқаро “Наврўз” хайрия жамғармаси ҳам истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ўзи ишлаб топган маблағ ҳисобига кам таъминланган оилаларга, кўп болали оналарга, бева аёллар ва ёлғиз қарияларга, уруш ва меҳнат ногиронларига моддий ёрдам кўрсатиб, хайрия ишларини амалга ошириб келмоқда. Жамғарма 1997 йилда хайрия акцияси сифатида “Наврўз-97” лотереясида йигирта минг дона чиқариб, ютуқ сифатида ўн олтига 3-4 хонали квартира, “Ўзавтосаноат”дан 36 та автомашинани эълон қилди [11].

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистонда Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам халқаро йўналишда БМТнинг Тараққиёт дастури, Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Жанубий Кореянинг халқаро хайрия агентлиги (KOICA) билан ижтимоий ҳимоя қилиш тизими бўйича ҳамкорликни йўлга қўйган [12,37]. Биргина 2017 йил давомида нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ҳисоб рақамларига жами 1 трлн. 864 млрд. 358 млн. сўмдан ортиқ маблағ келиб тушган [13]. Мазкур маблағлар йил давомида жойларда ижтимоий аҳамиятга молик бўлган масалаларни ҳал этиш учун сарфланмоқда. Ушбу хайрия ва ҳомийлик ишларининг катта қисми Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати бўлган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, “Чегарасиз шифокорлар” халқаро мурувват ташкилотининг филиали (Medecins sans frontieres), “Ўзбекистон” республика санаторийлари фаолиятини қайта тиклаш ва

модернизациялаш жамоат фонди ҳиссасига тўғри келади. Биргина “Чегара билмас шифокорлар” халқаро ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан 2003 йилдан буён ҳамкорликда ишлаб келади. Ўтган йиллар мобайнида кўплаб турдаги дори воситаларига нисбатан чидамли бўлган юқумли касалликларни даволаш бўйича истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда 2018 йил декабрь ойида бундай юқумли касалликларга қарши кураш бўйича янги миллий дастур имзоланди. Ўзбекистон ҳамда халқаро ташкилотнинг фаолиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2019 йил 28 февралда “Чегара билмас шифокорлар” халқаро мурувват ташкилотининг филиали томонидан “Янги уфқлар: дориларга чидамли силни даволаш соҳасидаги инновациялар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро симпозиум ташкил этилди. Унда юртимиз ҳамда хорижий давлатларнинг фтизиатрлари иштирок этишди. Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш, даволаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни зарур ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш, шифокорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, фаолиятини рағбатлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Шунингдек, симпозиумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиб келмоқда [14]. Ижобий халқаро тажрибани қўллаш мақсадида Ўзбекистон дунёнинг 40 та мамлакатидан хайрия йўналишида 100 дан ортиқ хайрия ва инфратузилмавий ташкилотларни бирлаштирувчи “Глобал грант ташаббусларини қўллаб – қувватлаш” - Worldwide Initiatives for Grantmaker Support (WINGS) халқаро нотижорат ташкилоти билан ҳамкорлик қилмоқда [15].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, жаҳон мамлакатларида хайрия ва ҳомийлик тўғрисида кўп гапирилмоқда ва кўп ёзилмоқда, унинг асосий моҳияти тўғрисида файласуфлар ва маданиятшунослар

мунозаралар олиб бормоқдалар, хайрия фаолиятининг турли жиҳатлари социология, иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, психология сингари илмий фанлар вакиллари томонидан тадқиқ этилмоқда. Бир қарашда, хайрия фаолиятининг ОАВда ёритилишини тизимсиз ва зиддиятли сифатида тавсифлаш мумкин. Бошқа томондан, хайрия фаолияти маданиятининг пастлиги, тегишли қонунчилик асосида расмийлаштиришнинг йўқлиги, аҳолининг суствлиги ва қизиқмаслиги ҳамда хайрия фаолияти билан шуғулланувчиларга нисбатан салбий (бадавлат ва муваффақият қозонган инсонларга нисбатан ҳасаднинг мавжудлигини кўрсатувчи) муносабат тўғрисида ёзадилар. Бироқ, Ўзбекистонда амалга ошириладиган ислохотлар натижасида республикамизнинг ижтимоий, маданий ва иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришлар рўй бериб, одамлар орасида тобора бир-бирига кўмак кўрсатиш ғояси мустақамланиб бормоқда, хайрия ва ҳомийлик фаолияти билан

шуғулланиш истагида бўлган кўнгилчилар сони ортиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон ва бутун дунёда амалга ошириладиган ҳомийлик фаолиятининг халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилиши бунга ёрқин мисол бўлади. Геллап институти тўплаган маълумотлар асосида Хайрия ёрдам жамғармаси (CAF - Charities Aid Foundation) томонидан тузилган ва жаҳоннинг 135 та мамлакатини ўз ичига олган Жаҳон хайрия индекси ("World Giving Index")га кўра, Ўзбекистон 2010 йилдан 2018 йилгача бўлган вақт оралиғида турли ўринларни эгаллаган. Унга кўра, Ўзбекистон Жаҳон мамлакатлари орасида 2010 йил 59, 2011 йил 24, 2012 йил 46, 2013 йил 28, 2014 йил 50, 2015 йил 27, 2016 йил 11, 2017 йил 38, 2018 йил 53-ўринни эгаллаган[16]. Қайд этилган ўринлар натижаси шуни англатадики, истиқболда республикамиз молиявий хайрия тизимини янада такомиллаштириш чораларини кўриши зарур.

Адабиётлар:

1. Ижтимоий ҳимоя – давлат ва жамиятнинг қариллиги, соғлиғи, ижтимоий аҳволи, тирикчилик учун воситалар билан етарли таъминланмагани тўғрисида ёрдамга муҳтож фуқаролар тўғрисида ғамхўрлиги. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. –Т.5. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2005.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
3. <http://www.rsci.ru/grants/fonds/155.php> (23.02.2018)
4. Хартия "Врачей без границ". <http://www.ru.msf.org/russia/article.cfm?article> (23.07.2018)
5. Танишинг - Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси (ХҚХҚ). 2007 йил.
6. "Инсон ва жамият" курси бўйича қўшимча ўқув қўлланмаси юзасидан ўқитувчиларга услубий кўрсатмалар//Муаллифлар: Симона Роберто, С.Т.Газиева, О.А.Овчаренко ва бошқ. –Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999.
7. Ўзбекистон Республикасининг "Ҳомийлик тўғрисида"ги 2007 йил 5 майдаги № ЎРҚ-96 Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталарининг Ахборотномаси, 2007. № 5. <http://www.lex.uz/acts/1183667?ONDATE=03.05.2007%2000>. (20.01.2018)
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг: "Наврўз" хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида" (1992 й. 23 май); "Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида" (1992 й. 12 сентябрь); "Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисида" (1997 й. 7 январь); "Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (2018 й. 16 апрель) Фармонлари, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги (2005 й. 16 декабрь) Фармойиши, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури тўғрисида" (2006 й. 23 январь); "Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги (2017 й. 12 сентябрь) Қарорлари; "Мурувват" ва "Саховат" интернат уйларида яшайдиган ногирон ва кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" (2017 й. 3 июль); "Эзгу мақсад" халқаро хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (2017 й. 19 октябрь) Қарорлари ва бошқалар. <http://www.lex.uz/>
9. ЎзР МДА, М – 1 фонд, 1 – рўйхат, 2032 – йиғма жилд, 49 – varaқ.
10. ЎзР МДА, М – 38 фонд, 1 – рўйхат, 90 – йиғма жилд, 76 – varaқ.
11. ЎзР МДА, М – 37 фонд, 1 – рўйхат, 2031 – йиғма жилд, 38 – varaқ.
12. Холиқулова Ҳ. Ўзбекистонда имконияти чекланган шахсларни ҳимоя қилиш сиёсати (1991-2014 йй):.. Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. – Т., 2018.
13. <http://xs.uz/uzkr/post/nodavlat%20notijorat%20tashkilot/> (23.09.2018)
14. <http://uza.uz/oz/society/khavfli-kasallikning-oldini-olib--28-02-2019> (3.12.2018)
15. <http://active.sof.uz/news/show/14357-O'zbekistonda-homiy-larga-soliq-imi-yozlar/> (13.09.2018).
16. www.cafonline.org. Мировой рейтинг благотворительности 2010 - 2018. Регистрационный номер Британской комиссии по благотворительности 268369.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)